

КОНВЕРГЕНТ ТАҲРИРИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ

Худайбергенова Дилнавоз Гуломбоевна

*Ўзбекистон Журналистика ва оммавий Коммуникациялар университети
талабаси*

Аннотатсия: Ушбу илмий мақолада буғунги кунда юртимизда журналистика соҳасига бўлган эътибор, ўтказилиб келинаётган ислохотлар, ҳамда журналистикада конвэргэнт тушунчаси ҳақида сўз юритилган.

Калит сузлар: *convergere, яқинлашиш, “бирикиб кетиш”, Кильпеляйнен, ОАВ, телекоммуникация бозори ва Ғарбий Европа*

Маълумки, конвергенция сўзи латинча “convergere” сўздан олинган бўлиб, “яқинлашиш”, “бирикиб кетиш” маъноларини билдиради. “Cambridge Dictionary”да бу сўзнинг луғавий маъноси “бир нуқтада бирикиш”, “бир томонга йўналиш”, “яқинлашиш”, “қўшилиш” тарзида берилган⁸.

Журналистика соҳасида бир неча ОАВ турининг бир жойда яқинлашуви, улар фаолиятига янгича ёндашувга нисбатан “медиаизм” термини ишлатилади. Ушбу термин биринчи марта 1977 йилда В.С.Хелемендик томонидан қўлланган⁹. У оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши таъсирида ОАВ фаолиятини мувофиқлаштириш, мунтазам равишда таркибни янгилаб бориш, ўзаро функционал боғлиқлик сингари тамойиллар асосида матбуот, радио ва телевидение функцияларининг ўзаро таъсирини умумийлаштириб боришни тан олиш зарурлигини қайд этади. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида олим “вақт ўтиши билан журналистика ташкилий тузилмасининг ўзгариши ва мустақил газета, радио, телевидение умумлашиб, ягона маълумот марказига айланиши” ҳақида фикр юритади.

Айнан шу йилдан “конвергенция” тушунчаси компьютер, телефон, телевизор каби ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларининг умумий хусусиятларига нисбатан қўлланила бошланди. умумий хусусиятларига нисбатан қўлланила бошланди. Америкалик тадқиқотчи Д.Белл ахборот жамияти ҳақидаги янги тушунчалар ва ғояларнинг хусусиятларини қайта кўриб чиқиб, улар конвергенция шароитида бирлашган, деган ғояни илгари суради. Конвергенция ҳақидаги назариялар 1980 йилда

АҚШда телекоммуникация бозори ва Ғарбий Европада эфирга узатиладиган ахборот бозорини тартибга солиш масалаларини муҳокама қилишда янада ривожлантирилди. Аммо миллионлаб одамларнинг кундалик ҳаётига интернетнинг тез суръатда кириб бориши конвергенция

тушунчасининг маъносини янада кенгайтирди. Негаки айнан интернет техника ва технологияларнинг кўпвазифалилигини оширишда асосий восита ҳисобланади.

Медиаконвергенция жараёнининг ҳосиласи сифатида конвергент таҳририят тушунчаси юзага келди. Илмий адабиётларда конвергент таҳририят терминининг турли хил таърифлари мавжуд. Содда тил билан айтганда, конвергент таҳририят бир нечта оммавий ахборот воситалари учун медиамаҳсулот ишлаб чиқарадиган ижодий тузилма бўлиб, кўпинча битта медиаассоциация таркибига киради.

Конвергент таҳририят ўз аудиториясини англаган ҳолда тайёрланган ахборотни турли форматларда ҳар хил платформалар орқали етказа оладиган, ахборот технологиялари ва мультимедий воситалардан фойдаланиб, контент ярата оладиган журналистлар ижодий жамоасидир.

Россиялик тадқиқотчи А.Качкаеванинг таъкидлашича, конвергент ва анъанавий журналистиканинг асосий фарқлари таҳририятларни шакллантиришда, мақолаларни таҳрир қилишда, ходимларнинг ролларини тақсимлашда ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланишда кўринади.

Бизнингча, олима яна бир жиҳатни эътибордан четда қолдирган. Конвергент таҳририятнинг вазифаси фақат ходимлар функцияларини тўғри тақсимлаш ёки ташкилот менежментини тўғри йўлга қўйиш билан чекланмайди. Бу ўринда конвергент журналистнинг дунёқараши ҳамда профессионаллиги

ҳақида ҳам сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Техника ва технологиялардан фойдаланиб, контент яратувчи субъект – бу конвергент ходим. У конвергенциянинг моҳиятини англаши, замонга мос ҳаракатланиши, ўзининг мақсадли аудиториясини таниши, вақтини тўғри тақсимлаши ҳамда минимал имкониятлардан максимал фойдаланишни уддалиши лозим.

Яна бир рус тадқиқотчиси Е.Баранованинг фикрича, медиаконвергенция ҳар бир ОАВнинг интернетда ўз платформасини яратишидан бошланади. Албатта, бу хулоса тўғри. Аммо ўз сайтини ишга туширган барча таҳририятга ҳам конвергент деб таъриф бериш ўринли эмас.

Конвергент таҳририятлар фаолияти бўйича илмий изланишлар олиб борган Е.С. Кильпеляйнен уларни бир неча турларга бўлиб ўрганади.

Жумладан, мультимедиялашган, интеграциялашган, кросс-медиявий таҳририят кабилар.

Мультимедиялашган таҳририятда ҳар бир муҳаррирнинг технологик йўналиш учун махсус ўқитилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат нашрнинг босма ва онлайн кўринишлари учун бир вақтнинг ўзида ишлайдиган алоҳида таҳририятларига тегишлидир. Мисол тариқасида миллий медиадаги "Bright

Uzbekistan” журнали таҳририятини келтириш мумкин. Унда онлайн ва оффлайн режимдаги йўналишлар алоҳида жамоа билан таъминланган.

Интеграциялашган таҳририят, асосан, технологик имкониятлари орқали янгиликлар оқимини бирлаштирадиган таҳририят бўлиб, барча ахборот каналлари таркибини ўз ичига олади. Бу таҳририятда алоҳида бир канал учун масъул ходим белгиланмайди, босма ва рақамли ахборот узатиш шаклларида янгиликларни ёритиш жавобгарлиги муайян бир соҳага ихтисослашган муҳаррир зиммасига юкланади. Масалан, “Зарафшон” газетаси кўпроқ интеграллашган таҳририят турига мос келади. Аммо газетадаги деярли барча мухбирлар сайт ва youtube каналига материал беришга ҳаракат қилишади.

Кросс-медиявий таҳририят иш жараёни ўзаро маълумот алмашиш принципига асосланган таҳририятдир. Бунда турли бўлим ходимлари нашрнинг ҳам босма, ҳам онлайн нусхалари учун контент яратадилар. Бу веб сайтни видео ва аудиоклиплар билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбек медиа оламида конвергент таҳририят турларига кирувчи, яъни унинг барча таърифига тўлиқ жавоб берувчи таҳририят деярли йўқ. Аммо шу учта тур хусусиятларини ўзида жамлаган таҳририятлар мавжуд. Масалан, “Янги Ўзбекистон” газетасини кросс-медиявий таҳририятга киритиш мумкин. Унда газета мухбири сайт учун ҳам баравар ишлайди. Шунингдек, нашрнинг онлайн нусхасига жавобгар шахс ҳам тайинланган. У тўғридан-тўғри таҳририят бош муҳарририга бўйсунди ва газета ходимлари фаолияти маҳсулидан сайт контентини шакллантиради. Бу жиҳат эса интеграллашган таҳририят хусусиятларига мос келади. Тадқиқотда, шунингдек, ОАВ конвергенцияси натижасида юзага келган инфотейнмент, финишинг, глокаллашув каби янги ахборот узатиш усуллари ва уларнинг ўзбек медиасида интеграллашуви масаласи ёритилган. Жаҳон журналистикаси амалиётида “The New York Times”нинг YouTube платформасидаги “Инфотейнмент” (“Infotainment”) лойиҳаси оммалашган, аммо ўзбек медиасидаги конвергент таҳририятларда инфотейнмент формати кам учрайди.

Юртимизда финишинг усулига қисман мос келувчи контентлар кузатилса-да, ҳудудий нашрларда глобаллашув усулидан бирмунча кенг фойдаланилади